



**“Тасдиқлайман”**  
**Вилоят ҳокимининг**  
**биринчи ўринбосари**

**Х.Оқбўтаев**

” 08 2016 йил

**Улгуржи савдоларни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш интерактив-хизмати регламенти**

## **1. Интерактив хизмат тавсифи (паспорт)**

### **1.1. Интерактив хизмат номи**

*Улгуржи савдоларни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар бериш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш*

### **1.2. Интерактив хизмат натижаси**

*Улгуржи савдоларни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш*

### **1.3. Интерактив хизматни кўрсатувчи корхона ва ташкилотлар ҳамда хизмат кўрсатиш манзили**

*Вилоят хокимлигининг расмий веб-сайтида Интерактив хизматлар хаволасида мавжуд.  
Веб-сайтдаги хаволаси  
[http://interaktiv.samarkand.uz/licensing\\_wholesale](http://interaktiv.samarkand.uz/licensing_wholesale)*

### **1.4. Қонуний асоси**

*1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик фаолиятини юритиш учун рухсатнома турларини қисқартириш ва уларни бериш тартиб-қоидаларини соддалаштириш тўғрисида”ги 2005 йил 25 сентябрдаги ПҚ-186-сонли қарори.*

*2.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори.*

*3.Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 23 августдаги “Давлат ва хўжалик бошқаруви, маҳаллий давлат хокимияти органларининг ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланган ҳолда юридик ва жисмоний шахслар билан ўзаро ҳамкорлигини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги № 181-сонли қарори*

### **1.5. Хизматдан фойдаланувчилар**

*Самарқанд вилояти хокимлигининг расмий веб-сайтига кириш имконига эга бўлган, улгуржи савдоларни амалга ошириш фаолияти ҳақида маълумот олиш ниятидаги тадбиркорлар ва хорижий тадбиркорлар.*

### **1.6. Хизматдан фойдаланишга сўров юбориш муддати.**

*Кўрсатилаётган интерактив хизмат орқали интерактив тарзда ариза, таклиф ва мулоҳаза*

юбориш имконияти яратилган.

## **1.7. Бажарилиш муддати**

Улгуржи савдоларни амалга ошириш фаолиятини билан шуғулланиш истагида бўлган барча тадбиркорлик субъектларининг аризалари Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Улгуржи савдо фаолиятини лицензиялаш тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги 2005 йил 5 ноябрдаги 242-сон қарори талаблари асосида кўриб чиқилади.

## **2.Хизматдан фойдаланувчиларга маълумотларни тақдим этиш.**

### **2.1. Ахборот таркиби ва ҳажми**

Улгуржи савдоларни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш

### **2.2. Қўшимча ахборот бериш**

Улгуржи савдоларни амалга ошириш фаолиятини лицензиялаш тартиби тўғрисида ахборотлар тақдим этиш, шунингдек лицензия олиш учун аризалар қабул қилишни ташкил этиш

### **2.3. Сўровга асосан бериладиган ахборотлар**

Интерактив хизматга кирилганда саҳифанинг пастги қисмида электрон кўринишида мурожаат йўллаш орқали маълумот олиш имконияти яратилган, шунингдек Самарқанд вилояти хокимлигининг расмий веб-сайтига кириб маълумот олиш мумкин.

### **2.4. Хизмат кўрсатиш жойи**

Самарқанд вилояти хокимлигининг расмий веб- сайти орқали маълумотларни олиш мумкин.

### **2.5. Талаб қилинадиган ҳужжат бланкалари (форма)**

Бланкалар талаб этилмайди.

## **3. Хизмат кўрсатиш**

### **3.1. Иш вақти**

Кун давомида

### **3.2. Қутиш шартлари**

Қутиш шартлари мавжуд эмас

## **4. Хизмат кўрсатиш жараёни**

### **4.1. Зарурий ҳужжатлар**

юрidik шахснинг номи ва ташкилий-ҳуқуқий шакли, унинг жойлашган жойи (почта манзили), банк муассасасининг номи ва банк муассасасидаги ҳисоб рақами, фаолиятнинг лицензияланадиган тури кўрсатилган ҳолда лицензия бериш тўғрисида ариза;  
юрidik шахснинг давлат рўйхатидан ўтказилганлиги тўғрисидаги гувоҳноманинг нотариал тасдиқланган нусхаси;  
энг кам ойлик иш ҳақининг камида 3500 баравари миқдориди устав фонди



шакллантирилганлигини тасдиқловчи ҳужжатнинг, шу жумладан энг кам ойлик иш ҳақининг камида 1200 баравари миқдоридан пул маблағлари киритилганлигини тасдиқловчи банк ҳужжатининг нусхаси;  
лицензия бериш тўғрисидаги ариза лицензияловчи орган томонидан кўриб чиқилганлиги учун йигим тўланганлигини тасдиқловчи ҳужжат.

#### 4.2. Хизмат учун тулов.

Лицензияловчи орган томонидан лицензия талабгорининг аризаси кўриб чиқилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг 50 фоизи миқдоридан йигим ундирилади.  
Лицензия берилганлиги учун қонун ҳужжатларида белгиланган энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан давлат божси ундирилади.

#### 4.3. Интерактив хизмат кўрсатиш босқичлари

Босқичлар мавжуд эмас

#### 4.4. Хизмат кўрсатиш учун ички идоравий жараёнлар

- 1) Жараён 1: Маълумотларни таёрлаш.
- 2) Жараён 2: Веб-сайтга жойлаштириш

#### 4.5. Рад этиш сабаблари

Рад этиш сабаблари мавжуд эмас.

#### 5. Сифатни таъминлаш


##### 5.1. Сифат кўрсаткичлари

Расмий веб-сайтдаги анкета орқали баҳоланади.

##### 5.2. Кўрсатилган хизматга оид шикоятлар

Хизматдан норози бўлган шахслар, расмий веб-сайтдаги виртуал муроғжат орқали ўз шикоятларини қолдиришлари мумкин.

“Келишилган”  
Самарқанд вилояти  
“Компьютерлаштириш маркази”  
директори

 Б.Игамқулов

“ ” 2016 йил

### Интерактив хизмат кўрсатиш схемаси



### Ички идоравий жараёнлар схемаси

